2012 йил
Мустаҳкам оила йили

# Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2012-YIL 13-SENTABR, PAYSHANBA, 107 (8032) - SON 1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.

## Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 сентябрь куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазирининг ўринбосари Хуэй Ляньюйни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, ХХРдан бундай нуфузли делегациянинг келиши томонларнинг ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга қизиқиши ортиб бораётганидан яна бир далолат эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил июнь ойида Хитойга ташрифи чоғида имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги декларация икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди. Олий даражадаги музокаралар доирасида ўттиздан зиёд сармоявий лойиҳани амалга оширишни кўзда тутувчи умумий қиймати 5,3 миллиард АҚШ долларига тенг ҳужжатлар имзолангани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Айни пайтда ўзаро ҳамкорликда Ўзбекистоннинг нефть-газ соҳасида қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи ҳамда Қўнғирот сода заводининг қувватларини ошириш бўйича иш олиб борилмоқда.

2012 йил август ойидан ХХРга Ўзбекистон табиий газини мунтазам етказиб бериш бошланди. "Ўзбекистон-Хитой" газ қувурининг учинчи тармоғини қуриш ва фойдаланишга топшириш Ўрта Осиёдан Хитойга табиий газ экспорти ва транзитини сезиларли даражада кенгайтириш имконини беради.

Муқобил энергия манбаларини ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлик билан бирга, Ўзбекистонда Хитой компаниялари иштирокида Юқори технологиялар саноат парки барпо этилиши ўзаро самарали ҳамкорликнинг яна бир муҳим таркибий қисми бўлади.

Молиявий-техникавий ҳамкорлик кўлами жадал кенгайиб бормоқда. Унинг доирасида Хитой Давлат тараққиёт банки ва ХХР Экспорт-импорт банки ажратган кредитларнинг умумий миқдори 4,5 миллиард АҚШ долларига етди.

Транспорт коммуникацияларини оптималлаштириш – икки томонлама иқтисодий муносабатлардаги алоҳида устувор соҳа. Олий даражадаги келишувга биноан шу кунларда Навоий-Тяньцзин йўналиши бўйича юклар авиаташуви йўлга қўйилди, истиқболда эса ҳаво кемаларининг Шанхай ва Гуанчжоу шаҳарларига парвозлари режалаштирилмоқда. Жорий йилнинг июль ойидан Тошкент билан Урумчи ўртасида йўловчи ташиш бўйича мунтазам рейслар амалга оширилмоқда.

2012 йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси билан ХХР ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 44,5 фоиз ўсиб, 1,5 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.

Хуэй Ляньюй самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик билдириб, ХХР ҳукумати Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этди. Ушбу ташриф асносида қабул қилинган жами қиймати 535 миллион АҚШ долларига тенг ҳужжатлар иқтисодий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришини алоҳида таъкидлади.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**ЎзА**



# ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШАЁТГАН УЛКАН ЮКСАЛИШЛАР ХОРИЖДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА

## ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИ САМАРҚАНДГА ТАШРИФ БУЮРДИ

**Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзуидаги халқаро конференция иштирокчилари 12 сентябрь куни Самарқандда бўлиб, бу ерда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан танишдилар, қадимий шаҳарнинг жаҳонга машҳур тарихий ва меъморий обидаларини зиёрат қилдилар.**

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Самарқанд вилоятида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик изчил ривожланмоқда. 2012 йилнинг биринчи ярмида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 10,6 фоиз ўсди. Жорий йилнинг ўтган даврида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 70,6 фоизни ташкил этди. Хизматлар соҳасини ривожлантириш, шу жумладан, қишлоқ жойларида унинг замонавий инфратузилмасини ташкил этиш ва кўламини кенгайтиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни катта бўлмоқда.

«Ўзбекистон иқтисодиётида улкан юксалишларга эришилаётганини катта қизиқиш билан кузатиб боряпмиз, – дейди Венгрия Миллий иқтисодиёт вазирлиги департамент директори Питр Пагаксас. – Мамлакатингиз иқтисодиётида қўлга киритилаётган муваффақиятларни Самарқанд мисолида ҳам кўришга муваффақ бўлдик. Таърифга сўз ожиз. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича яқин ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ғоят катта эканининг гувоҳи бўляпмиз. Бу, ушбу секторнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган қатор ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Ўзбекистонда тадбиркорларнинг ўз бизнесини йўлга қўйиши учун банклар томонидан берилаётган кўплаб кредитлар ишбилармонларнинг нафақат ички бозорда иш юритиши, балки минтақа ва жаҳон бозорларига чиқишини кенгайтириш, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда».

(Давоми 2-саҳифада)

# ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШАЁТГАН УЛКАН ЮКСАЛИШЛАР ХОРИЖДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА

**(Боши 1-саҳифада)**

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида жами 13 минг 155, шу жумладан, саноатда – 2373, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида – 1958, транспорт ва алоқада – 319, қурилиш соҳасида 1342 кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатмоқда. 2011 йилда туман ва шаҳар ҳокимликлари қошидаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциялари томонидан 2281 кичик бизнес субъекти рўйхатга олинган.



Вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари улуши изчил ошиб бормоқда. Бу юксалиш асосан янги саноат корхоналари ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилиш ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Самарқанд шаҳридаги "Дака Текс" хорижий корхонасида Швейцариянинг замонавий технологиялари ўрнатилгани ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириш имконини берди. Корхона томонидан 2011 йилда 3,9 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Вилоятда бундай кичик корхоналар томонидан кўплаб янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Жумладан, Ургут туманидаги "Сам Нур Тавфиз" қўшма корхонасида электр духовка ишлаб чиқариш, "Арфа экспрод" қўшма корхонасида резина оёқ кийимлар тайёрлашда ишлатиладиган гранулалар, Булунғур туманидаги "Ҳамидобод имкон" масъулияти чекланган жамиятида тиббиёт препаратлари учун резинали пробкалар ва алюминий қоплагичлар, Самарқанд туманида жойлашган "Сам Рос Холод" қўшма корхонасида цементли ва металли сендвич панеллар, Жомбой туманидаги "Жомбой жавоҳири" қўшма корхонасида бир неча турдаги микрокальцит ишлаб чиқариш ва Самарқанд шаҳридаги "Net product" масъулияти чекланган жамиятида атир совун ишлаб чиқариш, «Самарқанд Ламит» корхонасида ламинант тайёрлаш йўлга қўйилди.



«Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётганининг гувоҳи бўлдик, – дейди Латвиянинг Европа тадқиқотлари институти директори, иқтисод фанлари доктори Александр Гапоненко. – Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастури мамлакатингиз иқтисодиётини янада тараққий эттиришга, хусусан, саноат тармоқлари маҳсулотларига бўлган талабни ошириб, минглаб янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда. Жаҳоннинг кўплаб давлатларида, жумладан, Латвияда ҳам иқтисодий кўрсаткичлар пасайиб кетаётир. Ўзбекистонда эса ишлаб чиқаришнинг ривожланаётгани, экспорт кўрсаткичлари ошаётгани, хорижий инвестициялар кенг жалб этилаётгани диққатга сазовор. Мамлакатингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик изчил тараққий этаётгани, ушбу соҳани ривожлантиришга улкан эътибор қаратилаётганини Ўзбекистондаги, хусусан, Самарқанд шаҳридаги коллеж ва ишлаб чиқариш объектлари мисолида яққол кўрдик. Ўзбекистоннинг мамлакат иқтисодиётини янада тараққий эттириш бўйича изчил ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид бой тажрибаси, пухта ишлаб чиқилган иқтисодий сиёсати кўплаб давлатлар учун барқарор ривожланишда ибрат бўлиб хизмат қилиши мумкин».

Самарқандда гиламдўзлик ҳам изчил ривожланмоқда. Ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган 34 корхона томонидан 2011 йилда 15,5 миллион квадрат метр гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу – 2006 йилга нисбатан икки баробар кўпдир. Жумладан, Самарқанд шаҳридаги «Сам Антеп гилам» қўшма корхонаси Ўрта Осиёда гилам ва гилам ишлаб чиқариш соҳасида етакчилардан ҳисобланади. Корхонада энг замонавий технологиялар асосида экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва модернизация ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2011 йилда 4 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди. Натижада корхонанинг йиллик қуввати ошди, қўшимча 45 янги иш ўрни яратилди. 2011 йилда вилоятдаги жами кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан эса 87,4 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинди.

«Самарқанддаги гилам ишлаб чиқарувчи корхона фаолияти билан танишиб, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ривожига, тадбиркорларнинг фаол ва муваффақиятли иш юритиши учун барча шароит яратилганига амин бўлдим, – дейди Шанхай Ижтимоий фанлар академияси ҳузуридаги Хитой Миллий иқтисодиёт институтининг иқтисодий ва ижтимоий трансформацияларни ўрганиш маркази директорининг ўринбосари Циянь Юан Юан хоним. – Мазкур корхонада тайёрланаётган исталган ҳажм ва рангдаги, турфа нақш ва безакли, ўзига хос дизайнга эга гилам ва гилам маҳсулотлари юксак сифати ва рақобатбардошлиги билан ҳар қандай харидорнинг эътиборини тортади».

Президентимизнинг 2012 йил 16 июлда қабул қилинган "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, бизнес субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва уларнинг янада эркин фаолият юритишини таъминлаш борасида навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Халқаро конференция иштирокчилари Самарқанд шаҳридаги қатор корхоналар, таълим муассасаларида, жумладан, автомобилсозлик, енгил саноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежлари, «Гранд Самарқанд супериор» меҳмонхонаси, "Бионурмедсервис" тиббиёт маркази ва "Сам Антеп гилам" қўшма корхонасининг фаолияти билан танишдилар. Дарс ва иш жараёнида иштирок этиб, талабалар, тадбиркорлар билан мулоқотда бўлдилар.

«Самарқанд автомобилсозлик касб-ҳунар коллежида, ишлаб чиқариш корхоналарида бўлдик, – дейди Пекин университети профессори, Иқтисодий тадқиқотлар маркази раҳбари Жастин Лин. – Халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган ушбу таълим масканларида таҳсил олаётган изланувчан, тиришқоқ ўқувчи-талабаларни кўриб, улар билан мулоқотда бўлиб, жуда қувондик. Билим муассасаларининг муҳташам бинолари барча қулай шароитга эга экани, энг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлангани диққатга сазовордир. Ўзбекистонда олиб борилаётган бундай ислоҳотларнинг барчаси мамлакатингиз иқтисодиётини ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз».

Меҳмонлар Самарқанднинг қадимий ва бой тарихини акс эттирувчи бебаҳо обидалар, маданий ёдгорликлар, муаззам Регистон майдони, Улуғбек, Тиллакори ва Шердор мадрасалари, Амир Темур мақбараси, Бибихоним масжиди, Улуғбек расадхонаси, шунингдек, шаҳарда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

«Самарқанд ҳақиқатан ҳам эртакмонанд шаҳар эканига амин бўлдим, – дейди Вьетнам "Nhat Minh Investment Development Telekommunication" компанияси бош директори Кхуат Нам Труонг. – Бу ердаги қадимий обидаларнинг меъморий ечими, бугунга қадар асл ҳолида сақланиб келинаётгани, киши ақлини шоширувчи гўзаллиги ва салобати ҳақиқий мўъжизадир. Регистон ансамблидаги зарҳал нақшлар билан безатилган Тиллакори, Улуғбек ва Шердор мадрасалари менга жуда ёқди. Ушбу гўзал ўлкада етишиб чиққан буюк алломалар, олиму фузалолар жаҳон илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган. Ўзбекистоннинг бугунги ёшлари орасидан ўз аждодларига муносиб авлод етишиб чиқишига ишонаман».

Сўнгги йилларда Самарқанд шаҳрида олиб борилган улкан бунёдкорлик ишлари натижасида 7,2 километр узунликдаги йўл таъмирланди, 453 объектда қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилди. Шу жумладан, 42 кўп қаватли уй-жой, 163 савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, 61 ижтимоий соҳа объектлари, 26 маъмурий бино, 162 хусусий уй-жой барпо этилди.

Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" электропоездида саёҳат қилган конференция иштирокчилари мамлакатимизда темир йўл соҳасини ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар натижаларига юксак баҳо бердилар. Замонавий, барча қулайликларга ва юксак даражадаги сервис хизматига эга "Afrosiyob" поезди меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Бундай тезюрар замонавий поездлар дунёнинг саноқли мамлакатларидагина борлигини алоҳида таъкидладилар.

«Самарқандга қилган саёҳатимиз ғоят мазмунли ва қизиқарли бўлди, – дейди Эстония Иқтисодиёт ва коммуникациялар вазирлиги департаменти директори Пирет Трайберг хоним. – Ўзбекистонда бошқа соҳалар қатори темир йўл тармоғини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилаётгани таҳсинга сазовордир. Самарқандга "Afrosiyob" электропоездида бориб келдик. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, юқори тезликда ҳаракатланадиган ушбу транспорт воситасида йўловчилар учун барча қулайликлар яратилган. Поезддаги мўътадил ҳароратнинг барқарор таъминланиши барчага жуда маъқул бўлди. Юксак сервис хизмати, ходимларнинг юксак муомала маданияти бизга кўтаринки кайфият бағишлади».

**Ирода УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА,**
**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

*ЎзА олган суратлар.*

Қорақалпоғистон Республикаси

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# СЕРВИС СОҲАСИГА САРМОЯЛАР

## УЗОҚ ҚИШЛОҚ ВА ОВУЛЛАРДА ҲАМ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ИМКОНИНИ БЕРМОҚДА

**Қишлоқда инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, турмуш сифати даражасини янада юксалтириш мақсадида тижорат банклари томонидан ҳам қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Микрокредитбанк"нинг Қорақалпоғистон Республикасидаги 5 филиали ва 31 минибанки фаолиятида ҳам буни яққол кўриш мумкин.**

MIKROKREDITBANK



– Мақсадимиз қишлоқда саноат ишлаб чиқаришини янада жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашни кенгайтириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, шу асосда аҳоли даромадларини ошириш, янги иш ўринлари ташкил этишдир, – дейди "Микрокредитбанк"нинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали бошлиғининг ўринбосари Дилбар Хожаниязова. – Шу мақсадда сармоялар йўналтиряпмиз, лойиҳаларни молиялаштиряпмиз. Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринлари ташкил этишда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳамда кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда биз ўз хизматларимиз билан фаол иштирок этяпмиз. Ҳар қандай хизматнинг самараси тарғиботда янада ошади. Шу тамойил асосида ҳар бир хонадонга кириб боришга ҳаракат қилмоқдамиз. Аҳолининг тадбиркорлик қобилиятлари ва микросармояларга бўлган талабларини ўрганяпмиз. Эътиборлиси, мана шундай тадбирларимиз натижасида мижозларимиз сони кўпайиб, 10 минг 842 тага етди. Жорий йилнинг ўтган даврида уларга 17 миллиард 532 миллион сўмлик, жумладан, кичик бизнес субъектларига қариб 10 миллиард сўмлик микрокредитлар ажратилди. Натижада 4900 дан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди.



Ҳа, банк жамоаси аҳоли учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиш ҳамда янги иш ўринларини ташкил этишда фаолликни ошираётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида катта ишларни амалга оширишяпти. Банк сармоялари ҳунармандчилик, зардўзлик, кулолчилик, тикувчилик, дурадгорлик сингари ўнлаб касб эгаларига берилаётгани яхши самара бермоқда. Шунинг баробарида мебель ишлаб чиқариш, автотеххизмат, сартарошхона каби хизмат кўрсатиш тармоқларига ҳам сармоялар йўналтирилмоқда. Бу билан эса, ўз навбатида, қишлоқ жойларида замонавий хизмат кўрсатувчи шохобчалар тобора кўпайиб бораётир. Бошқача айтсак, қишлоқ ва овулларимиз қиёфаси мана шундай хизматлар ҳисобига гўзаллашмоқда. Масалан, Тахиатошдаги "Taxiatash tibbiyot" хусусий корхонасига аҳолига медицина хизмати кўрсатишни кенгайтириш учун 25 миллион сўм миқдорида микрокредит ажратилиши эвазига 6 та янги иш ўрни ташкил этилди. Ўз навбатида ташкил этилган хусусий корхона аҳолига медицина хизмати кўрсатишда ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Тўрткўл туманидаги «Усмон стилист» хусусий корхонасига хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, яъни аҳолига сартарошхона хизмати кўрсатишни ташкил этиш мақсадида 6,2 миллион сўм миқдорида бошланғич бадални шакллантириш учун микрокредит ажратилди ва 3 та янги иш ўрни яратилди.

Президентимизнинг 2005 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар Қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида хотин-қизларнинг билим ва малакасини ошириш, улар учун янги иш ўринлари ташкил этиш, касаначиликни ривожлантириш, тадбиркорлик ишини бошлаш учун имкониятлар ва имтиёзлар яратиб бериш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар олиб борилаётир. Ушбу жараёнда чекка қишлоқ ва овулларда иш билан банд бўлмаган, тадбиркорликка иштиёқи баланд хотин-қизларнинг умумий сони аниқланди. Улар ўртасида ўша ҳудудга хос тадбиркорлик йўналишларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш мавзусида тушунтириш ишлари олиб борилди.

"Микрокредитбанк" ОАТБ Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ва БМТнинг Аёллар ривожланиш жамғармаси (UNIFEM) ҳамкорлигида "Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш" лойиҳаси асосида Қорақалпоғистон Республикасининг Қонликўл туманидаги Жана қалъа, Бескўпир ва 1-макан кенес овул фуқаролар йиғинларидаги кам таъминланган аёлларга гуруҳ кафиллиги асосида микрокредитлар ажратилди. Ушбу кредитлар ҳисобига оила шароитида мол боқиш, тикувчилик, қандолатчилик, зардўзлик, кўрпа-тўшак тикиш, дўппичилик каби фаолият турлари йўлга қўйилди.



ЎзА суратлари.

Жорий йилда аёл тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида яна кўплаб хайрли тадбирлар амалга оширилаётир. "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида тижорат банклари учун янги иш ўринлари ташкил этган ҳолда, айниқса, қишлоқ жойлардаги фермер аёлларга, ёшларга, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларига сармоялар ажратиш вазифа этиб белгиланган. Ана шундан келиб чиққан ҳолда "Микрокредитбанк" истиқболли лойиҳаларни молиялаштирмоқда, ўқув семинарлар ташкил этиб, хотин-қизларни тадбиркорлик соҳасига жалб этмоқда. Фармон ижроси бўйича аёл тадбиркорларга ва аёл меҳнатидан фойдаланувчи тадбиркорлик субъектларига жами 491 миллион сўмлик кредитлар ажратиш эвазига 138 та янги иш ўрни яратишга эришилди.

Мисол учун, Хўжайли туманидаги Л.Утебаева бошчилигидаги «Фебен» хусусий корхонасига тикувчилик хизмати кўрсатишни кенгайтириш мақсадида 25 миллион сўм миқдорида микрокредит ажратилди ва 6 та иш ўрни яратилди.

– Ёнимга олти нафар чевар қизни олиб, аҳоли буюртмасига кўра, ҳар хил кийимлар, рўзғорбоп буюмлар тикяпмиз, – дейди тадбиркор Л.Утебаева. – Банкнинг мададидан хурсандмиз. Элга хизмат қилиб, олқиш оляпмиз. Ниятимиз фаолиятимизни янада кенгайтириб, янги иш ўринлари ташкил этиш. Янги лойиҳаларимиз ҳам аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган.

Банк сармояси билан тадбиркорликни бошлаб, уни кенгайтириб, хизмат кўрсатиш сифатини ошираётган кўплаб тадбиркорлар банкдан мамнун. Хусусан, Беруний туманидаги "Қосим нўғой" фермер хўжалиги раҳбари К. Примбетова, қораўзаклик тадбиркор Бибисанам Абдиганиевалар ана шундай тадбиркорлардан. Улар эътироф этишганидек, банк сармояси фаолиятда қўл келмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга сармоялар йўналтирилмоқда. Жорий йилнинг февраль ойида Қўнғирот туманида «Аганн» фермер хўжалигига парранда тухуми ва гўштини етиштириш мақсадида 24 миллион сўм миқдорида микрокредит ажратилиб, янгидан 3 та иш ўрни яратилди. Кегейли туманидаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасига йиллик 24 миллион сўм микрокредит ажратилди ва 4 та иш ўрни яратилди.

Ҳудуднинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, олис овулларда яшовчи аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадлари учун ҳам сармоялар йўналтирилмоқда. Хусусан, Элликқалъа туманидаги "Бўстонтранссервис" масъулияти чекланган жамиятга кўрсатилган микромолиявий хизмат эвазига 2 та янги автобус келтирилди. Айни пайтда ушбу транспортлар хизматидан аҳоли мамнун.

– Жамоамиз 2012 йил – "Мустаҳкам оила йили"да ҳам аҳолини ўз маблағларидан баҳраманд этиш борасида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Бунда, айниқса, сармояларимизни чекка-чекка овул ва қишлоқларимизда хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш учун йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки Қорақалпоғистон Республикаси филиали бошлиғининг ўринбосари Д.Хожаниязова. – Бу эса бизнинг асосий мақсадимиз – тараққиётга хизмат қилиш билан ҳамоҳангдир.

**Сухроб ХАЙИТОВ**

# «ОЛОМОНЧА МАДАНИЯТ» – МАЪНАВИЯТ КУШАНДАСИ

**XXI асрда мафкуравий курашларнинг ақл бовар қилмайдиган турлари пайдо бўлмоқда. Айрим ғоявий тузоқлар кўринишидан аср янгилигига ёки «маданият»ига ўхшайди. Улар кишиларга, айниқса, ёшларга мойдек ёқиши билан янада хатарлидир. Бугунги кунда бирон-бир халқнинг миллий-маънавий анъаналарига асосланмаган, фақат шаҳватларга, инсоний ахлоққа терс ҳаёт тарзига чақирувчи «оммавий маданият» ёки салбий жиҳатини ҳисобга олиб айтганда «оломонча маданият»нинг ташвишли томонлари жуда кўп. «Оммавий маданият» балоси бутун ер юзи, ҳатто ҳар бир киши онгига чанг солиб, маънавият кушандасига айланмоқда. Ачинарлиси, аксарият инсонлар мазкур «маданият» таъсирига берилиб қолгани ёки унинг қурбонига айланаётганини сезмайди ҳам.**

■ **Айдарбек ТУЛЕПОВ,**
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари

**«ОЛОМОНЧА МАДАНИЯТ»НИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИ**

Сўнгги пайтларда ғаразли кучларнинг маънавиятимизга зид бўлган ва «оммавий маданият» ниқоби остида хатарли иллатлар билан йўғрилган ғояларни ёшларимиз онгига сингдиришга уринишлари кучаймоқда. Бундай жирканч «маданият» таъсирига дучор бўлган ўсмир лоқайд, енгил-елпи ҳаётга ошно, юрт равнақи ва халқ тинчлигига бефарқ кимса бўлиб вояга етади. Шунингдек, «оломонча маданият» жамиятда бузғунчилик ва зўравонликни тарғиб этиш ҳамда болаларга гўё истаган ишини қилиш – «эркинлик бериш» каби бемаъни одатларни ёйиш билан уларни манқуртга айлантириб, маънавий ҳаётни оғир инқирозга дучор қилади.

Бугун мафкуравий курашлар, маънавий зиддиятлар ва зўравон ғояларнинг турли «ўйин»лари авж олди. Халқимиз бундай шароитда ҳар қачонгидан ҳам ҲУШЁР ва ОГОҲ бўлиши, дўсту душманни ажратиши, ғанимлар фитнасига учмаслиги, ёвуз кучлар қўлида қўғирчоқ бўлмаслиги зарур. Чунки ҳар бир фасод иш ортида разил мақсадлар, манфаатдор кимсалар турганини бир лаҳза ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ.

Жаҳонда кечаётган мураккаб жараёнлар ёшлар тарбиясига янада катта эътибор беришни талаб этмоқда. «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, «Агарки биз бундай хатарларга қарши ўз вақтида қатъият ва изчиллик билан кураш олиб бормасак, турли зарарли оқимлар бизнинг юртимизга ҳам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларимизни ўз гирдобига тортиб кетишини, оқибатда, уларнинг ота-она, эл-юрт олдидаги бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, фақат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган худписанд кимсаларга айланиб қолиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас».

Одоб-ахлоқ, ҳаё-ибо, ор-номус ва диёнат каби фазилатлар азалдан халқимиз маънавий оламининг ажралмас қисмига айланган. Бугунги глобаллашув шароитида «оммавий маданият» ниқоби остида ёшларимизга турли ёт ғояларни, маънавий тубанликларни тарғиб этишга уринаётган қабиҳ ниятлилар айнан қадриятларимизга болта уришга уринаётгани сир эмас.

Ғарбда дин ва одобга зид бўлган қарашларнинг кўпчиликка сингдирилиши оқибатида «оммавий маданият» тушунчаси юзага келди. У гарчи «маданият» деб аталса-да, аслида, мазмун-моҳиятига кўра, «оломонча маданият» чинакам маънавиятнинг кушандасидир. У кўп шаклларда ўзини намоён этади. Масалан, заррача бадиий қийматга эга бўлмаган нарса ва буюмларга юксак андоза тусини бериш; тагига қисқа матн ёки лукмалар битилган ҳаёсиз матбаа-расм маҳсулотлари; эҳтиросларга берилувчан шоу-бизнес вакиллари ва бошқаларни асоссиз кўкларга кўтариш; тўсатдан уюштириладиган «кескин» томошалар ёхуд оммавий «кўнгил очиш»ларни ўтказиш ва ҳоказо.

Халқимиз, айниқса, ёшларнинг ахлоқи ва маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётган «оломонча маданият»нинг баъзи кўринишларини қуйидагилар:

Биринчиси, ҳозир жаҳон медиа бозорининг тўртдан уч қисмини Ғарб телевизион дастурлари эгаллаган. Уларнинг тумтароқ мусиқалари, маъносиз ва ғайритабиий қўшиқларига бутун дунё тақлид қилаётгани ачинарли ҳол, албатта. Бундай кўринишлар ёшларни маҳлиё қилиб, ўз домига тортмоқда. Оқибатда, айрим ўсмирлар уйда, мактабда ва ҳатто йўлда ҳам ана шундай зарарли нарсалар билан банд бўлишяпти. Асосий вазифа бўлган ўқиш, илм олиш ва касб-ҳунар эгаллашга рағбатлари суст.

> «Табиийки «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди».
>
> **Ислом КАРИМОВ**

Иккинчиси, бугун Ғарбда аксарият ёшлар маънавияти таназзулга учраётгани аён. Шунга қарамай, айрим оммавий ахборот воситаларида уларнинг турмуш тарзи тарғиб этилаётганини ажабланарли. Гарчи бундай вазият мамлакатимизда кузатилмаса-да, хотиржам бўлишга асос йўқ. Ёшлар қалбида бундай хунук ҳолатларга вақтида нафрат туйғусини уйғотиш лозим.

> **АҚШда жиноятчиларнинг ярмидан кўпи бузилган оилалар фарзандлари экани маълум бўлган. Уларга ота-онасининг ажрашгани туфайли етказилган кучли руҳий зарба ўрта ёш, ҳатто кексалик чоғида ҳам салбий таъсир ўтказиши аниқланган.**

Учинчиси, хорижда ишлаб чиқарилаётган андозасиз кийимлар ва уларда акс эттирилган маъносиз сўзлар ёки ёвузликка чорловчи суратлар ёшлар онги ва феълига салбий таъсир ўтказади. Масалан, хорижда тайёрланган кийимлардаги «killer» (қотил), «danger» (даҳшат) каби сўзлар ва ҳаёсизлик ёки ёвузликни ифода этувчи манзараларнинг туб моҳиятига эътибор қаратишимиз керак. Акс ҳолда, фарзандларда зулм, зўравонлик ва жонга қасд қилиш каби иллатлар оддий ҳолатга айланиб қолиши мумкин. Бундан ташқари, чет эл жангари фильмларидаги шафқатсизлик, ваҳшийлик лавҳалари ёки қотиллик туширилган видеотасмаларни болалар кўриши, улар онгига ножўя таъсир қилиб, уларда муаммоларни шундай аянчли ҳал этиш ҳисси уйғонади.

Тўртинчиси, Ғарб ёшларида уюшган жиноятчилик ва зўравонликка берилиш ҳолатлари анча юқори. Бунга сабаб – болаларга меъёридан ортиқ эркинлик берилганидир. Бунинг устига, «оломонча маданият» эр-хотин ва болаларнинг оиладаги вазифалари, бурч ва масъулиятлардан «озод» этиб, оилавий бирлик, меҳр-мурувватни йўққа чиқаряпти, оилани таназзулга олиб келмоқда.




Бешинчиси, Ғарб турмуш тарзида ғурур-ор, эркаклик шаъни, аёллик иффати деган нозик тушунчалар емирила бошлаганига анча бўлди. «Эркин ҳаёт тарзи» сифатида тарғиб қилинаётган ахлоқсизлик, ҳаёсизлик, тажовузкорлик ва бошқа иллатлар инсон ҳаёти, оила мустаҳкамлиги ва ёшлар тарбиясига улкан хавф солаётгани барчамизни огоҳ этиши керак. Бундай хатарларга қарши тинмай курашишимиз кераклигини ҳаммага уқтиришимиз зарур.

Ер юзидаги ахборот алмашинуви мислсиз тезлашган ҳозирги шароитда, Ғарбдаги «марказлар» бундан фойдаланиб, бошқа давлатлар ва халқлар ўртасида Ғарб ҳаётининг бузғунчи «жозибалари»ни, жумладан, «оломонча маданият» таъсирини «эркинлик шабадалари» тарзида имкон қадар кенг ёйишга "енг шимариб" ҳаракат қилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг «юқори натижалари» эса яққол кўриниб турибди. Масалан, АҚШнинг айрим мактабларида содир этилаётган портлашлар, болаларнинг савдойи, восвос кимсалар қўлида қурбон бўлаётгани, ёшлар феълида кучайиб бораётган тажовузкорлик ҳар бир оқил инсонни ўйга толдиради.

«Оломонча маданият» ёшлардан фикр юритишни талаб этмайди, аксинча, уларни ҳар хил ҳаёт ташвишларидан, турмуш муаммоларидан гўё «халос» этади. Ўқишга, билим олишга эмас, балки бир марта бериладиган ҳаётда «яйраб қолиш»га чақиради. Ҳолбуки, бунинг салбий натижалари – меҳр-оқибатнинг йўқолиб бораётгани, одоб-ахлоқ мезонларига путур етаётгани, беҳаёлик ва зўравонликнинг кенг олаётгани бутун дунё аҳлини ташвишга солмоқда.

**(Давоми 5-саҳифада)**

(Боши 4-саҳифада)

**МУАММОНИНГ ЕЧИМИ**

Халқимизнинг миллий маънавияти, оилаларимизда амал қилинадиган тартиб-қоидалар ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эгадир. Улар оила мустаҳкамлигини таъминлашга улкан пойдевор вазифасини ўтайди. Диёримизда миллий қадриятлар ва муборак динимизнинг эзгу таълимотлари асосида оилага доир қонун-қоидалар янада мукаммал қайта ишланди.

Жумладан, оилада эрнинг мавқеи баландлиги, хотин ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларига эгалиги, фарзандларнинг ота-онани ҳурмат қилишларини олайлик. Кўп йиллар давомида ота-боболаримиз қалбига сингиб кетган ушбу қадриятларни бугун янада сайқаллаш кераклигини замон талаб этмоқда. Айниқса, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда бемаъни хуружлар кўпайиб, уларнинг инсон ва жамият ҳаётига салбий таъсирлари мисли кўрилмаган даражада кучайиб бормоқда. Шунинг учун барчамиз кўзимизни каттароқ очиб, ЗИЙРАКЛИК ва ОГОҲЛИК билан бундай ҳамлаларга қарши курашмоғимиз лозим.

Бу борада муҳтарам Президентимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобларида «Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиёта, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб етмоқда», дея маънавий таҳдидлардан ёш авлодни асрашимиз зарурлигини алоҳида таъкидлайдилар.

Тинимсиз ахборот оқими вужудга келтираётган муҳитда миллий қадриятлар, азалий анъаналар завол топишининг олдини олиш мақсадида ахборот хавфсизлиги таъминланиши лозим. Хорижий телеканалларда нима намойиш этилса ёки интернетда нима тарғиб қилинса, барчасини қабул қилавериш асло мумкин эмас. Биз улар орасидан имон-эътиқодимиз, анъанаю қадриятларимизга мос келадиганларинигина саралаб олмоғимиз шарт. Бу мақсадга эса ёшларимизга телевидение ва интернетдан оқилона фойдаланиш йўлларини ўргатиш, уларнинг мазкур ахборот манбаларидан фойдаланишларини назорат қилиб бориш орқалигина эришиш мумкин. Токи ҳали суяги қотиб улгурмаган ёшларимизнинг маънавиятига жиддий зарар етмасин.

# «ОЛОМОНЧА МАДАНИЯТ» – МАЪНАВИЯТ КУШАНДАСИ

Шайх Абдулазиз Мансур бу ҳақда шундай дейдилар: «Ислом дини руҳий-маънавий комилликка даъват этувчи дин ўлароқ нозил бўлган ва аввало, шу йўлдаги энг хавфли ғаним – нафсга қарши кураш руҳи билан йўғрилган. «Оломонча маданият» эса одамларда истеъмолчилик кайфиятини авж олдириб, нафсга салбий қувват беришдан ўзга нарса эмас. Шу жиҳатдан «оломонча маданият» Исломнинг туб моҳиятига зид ҳодиса десак, сира янглишмаган бўламиз. Асосан Ғарбдан кириб келаётган «оломонча маданият» турфа усуллар билан инсон ақлини зойил этиб, унда нафсу шаҳватга меъёр ҳиссини сусайтиради. Нафсу шаҳватда меъёрни сақлаш асосан ҳар бир инсоннинг ўзига, унинг имон-эътиқодига кўпроқ боғлиқ бўлгани каби, «оломонча маданият» домига тушиш ёки сақланиб қолиш ҳам кўпроқ унинг ўзига боғлиқдир. Шунинг учун Ислом дини таълимотларидаги пурмаъно ибора билан айтганда, ҳар бир инсон «тазкиятул нафс», яъни нафсни поклаш билан машғул бўлмоғи лозим».

> «Болаларингизга одоб беринглар ва одобларини чиройли қилинглар»
> *(Ҳадиси шарифдан).*

Халқимизнинг одоб-ахлоқи Ислом динимизнинг олижаноб таълимотлари асосида шаклланган десак, муболаға бўлмайди. Фарзанднинг салом бериб, ҳол-аҳвол сўрашидан тортиб, ота-онага қандай мурожаат қилиш борасидаги таълимлари тарбиянинг муҳим қирраларидандир. Фарзандларга чиройли одоб-ахлоқни ўргатиш нафл ибодатдан афзал ва савоблироқ дейилади.

Ёшларни тўғри тарбиялашда имон-эътиқод ва она-Ватанга садоқат масаласи муҳим ўринга эга. Шунинг учун тарбия бериш ўта нозик ҳисобланиб, у тўғри бўлса, фарзанд камолга етиб, эл-юртга фойда келтиради. Гўзал одоб охират неъматларига етказувчи асосий воситалардан биридир. Қуръони каримда ҳам, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадисларида ҳам одоб-ахлоқ масаласига алоҳида эътибор берилган.

Фарзандлар миллий одобларимизга доир одатларини унутиши жуда аянчли ҳол. Ёшларимиз миллий ва диний урф-одатларимизга тўғри келмайдиган тақлидларни қабул қилмасликлари зарур.

Бир ҳадиси шарифда бундай дейилган: «Икки мусулмон киши учрашиб, қўл бериб кўришса ва Аллоҳга ҳамд, истиғфор айтишса, уларни Аллоҳ таоло мағфират қилади». Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ушбу ҳадис орқали икки киши учрашганида, қандай кўришиш лозимлиги ҳақида ҳам таълим бердилар. Қуръони каримда Аллоҳ таоло ҳабиби, Сарвари коинот Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом)ни бутун инсониятга ахлоқ ва одобда намуна бўлишга лойиқ зот эканликлари тўғрисида хабар бериб, бундай марҳамат қилади: **«Сиз, дарҳақиқат, буюк хулқ узрадирсиз»** *(Қалам, 4).*

Жамиятнинг энг муҳим бўлаги ҳисобланган оила мустаҳкамлиги никоҳ воситасида юзага келиши, кўп асрлар мобайнида халқимиз орасида риоя қилиниб келинаётган никоҳ асли умуминсоний қадриятлар асосида оилани мустаҳкамлашга қаратилгани, никоҳ туфайли оилада барқарорлик ва соғлом муҳит ҳукм суриши, бу эса жамият ва давлат тараққиётининг асоси эканига катта эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Албатта, халқимиз, жумладан, ёш авлод ғарб фан-техникаси, маданияти, адабиёту санъатининг илғор жиҳатларини инкор этмайди. Бироқ ғарб зиёлиларининг ўзи «гарбнинг муаммоси» сифатида баҳолаётган «оломонча маданият»нинг маънавий-ахлоқий тубанликларини ёшларимиз қанча тез англаса, шунча яхши.

Шу ўринда «ОГОҲЛИК» сўзининг маъноларини бугунги замон шароитидан келиб чиқиб, янада кенг миқёсда тушунишимизга тўғри келади. Яъни, бугунги огоҳлик халқимиз, айниқса, ёшлар қалбини, руҳиятини, ақл-идрокини ва умуман маънавиятини жаҳонда юз бераётган мафкуравий йўналишдаги ошкора ва яширин таҳдидларнинг хатарларидан ва «оломонча маданият»нинг емирувчи таъсиридан муҳофаза қилишни ҳам ўз ичига олади.

Кимнинг она-Ватанни севиш туйғуси кучли ва имон-эътиқоди мустаҳкам бўлса, ўзининг ўтмишини ҳурматлаб, яхши билса, «оломонча маданият» тузоғига тушиб қолмайди. Бунинг учун оилада ота-оналар фарзандлари билан миллий мусиқаларимизни эшитишса, биргаликда китоб ўқишса, уларни турли спорт тўгаракларига жалб этишса, ёшларнинг ёт ғоялар учун вақти ҳам, қизиқиши ҳам бўлмайди.

# ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЧИҚИШ УЧУН КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

Brasil 2014

**Футбол бўйича 2014 йили Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионатига чиқиш учун ўтказилаётган Осиё саралаш мусобақасининг навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон миллий терма жамоаси Жанубий Корея миллий терма жамоасини қабул қилди.**

Маълумки, Халқаро футбол уюшмалари федерацияси – ФИФА томонидан Осиё давлатлари учун жаҳон чемпионатида қатнашиш учун 4,5 та йўлланма ажратилган. Осиё саралаш мусобақасининг ҳал қилувчи – тўртинчи босқичида қитъамизнинг ўнта терма жамоаси икки гуруҳга бўлинган ҳолда ана шу йўлланмалар учун баҳс олиб боришмоқда. Ҳар бир гуруҳда дастлабки икки поғонани эгаллаган терма жамоалар жаҳон чемпионатига тўғридан-тўғри йўлланма олади. Учинчи ўрин соҳиблари эса дастлаб ўзаро куч синашади. Ғолиб чиққан терма жамоа қитъалараро "плей-офф" баҳсида қатнашади.

Ўзбекистон футболчилари "А" гуруҳида — Жанубий Корея, Эрон, Қатар ва Ливан миллий терма жамоалари билан беллашмоқда. Гуруҳда пешқадамлик қилаётган Жанубий Корея терма жамоасига қарши ўтказилган учинчи тур учрашувида терма жамоамизга Одил Аҳмедов, Азиз Ҳайдаров, Виталий Денисов каби етакчи футболчиларимиз ёрдам беролмади.

Ҳамюртларимиз учрашувни кескин ҳужумлар билан бошлади ва 13-дақиқада ҳисобни очди. Бу вазиятда Сервер Жепаров амалга оширган бурчак тўпи Санжар Турсуновнинг бош билан йўллаган зарбасидан сўнг рақибга тегиб, дарвоза тўридан жой олди. Биринчи бўлим якунланиши арафасида эса рақибларимиз ҳисобни тенглаштирди. Бу вазиятда марказий ҳимоячи Артём Филипосян рақиб босими остида тўпни ўз дарвозасига киритди.

Иккинчи бўлимни кореяликлар муваффақиятли бошлашди. Ли Донг Гук жамоасининг иккинчи голига муаллифлик қилди. Орадан тўрт дақиқа ўтиб, вакилларимиз иккинчи голни киритишди. Бу голни биринчисининг "нусхаси" деса ҳам бўлади. Яна Санжар Турсунов Сервер Жепаровнинг бурчакдан оширган тўпини голга айлантирди. Афсуски бу сафар тўп ҳеч кимга тегмай тўғри дарвозадан жой олди. Шу тариқа учрашув 2:2 ҳисобида дуранг натижа билан якунланди.



Гуруҳдошларимиз Ливан ва Эрон терма жамоалари ўртасидаги учрашув эса 1:0 ҳисобида ливанликлар фойдасига ҳал бўлди.

Терма жамоамиз дастлабки икки баҳсда очколарни бой бергани сабаб ҳозирча гуруҳда сўнгги ўринда бормоқда. Аммо ҳали гуруҳда учинчи, ҳатто, иккинчи ўрин (корейслар гуруҳ пешқадамлигини қўлдан чиқармаслиги ҳақиқатга яқинроқ) учун ҳам етарли имкониятга эгамиз. Бу йўлда бизга қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган Эрон терма жамоаси ҳозирда намойиш этаётган футболни кучли деб бўлмайди. Тошкентда вакилларимиз билан бўлган учрашувдаёқ бунга гувоҳ бўлган эдик. Ливан билан баҳсдаги мағлубият эса фикримизни яна бир бор исботламоқда. Қолаверса, эронликларнинг олдида кореяликларга қарши кечадиган икки ўйини бор. Бизга рақобатчи бўлиши мумкинлиги айтилаётган Қатар терма жамоасига қарши эса футболчиларимиз шу кунгача муваффақиятли тўп суриб келишган. Бошқачасига айтганда, "қулай рақиб". Қатар термасининг ҳам олдида вакилларимизга қарши иккита учрашуви борлигини ҳисобга олсак, тушкунликка тушишга асос йўқлигига (албатта, агар мусобақа давомида яна кутилмаган очко йўқотиш, мағлубиятларга учрамасак) амин бўламиз.

| А ГУРУХ | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Жамоалар | Ў | Ғ | Д | М | Т-Н | Очко |
| 1 Жанубий Корея | 3 | 2 | 1 | 0 | 9-3 | 7 |
| 2 Эрон | 3 | 1 | 1 | 1 | 1-1 | 4 |
| 3 Қатар | 3 | 1 | 1 | 1 | 2-4 | 4 |
| 4 Ливан | 4 | 1 | 1 | 2 | 2-5 | 4 |
| 5 Ўзбекистон | 3 | 0 | 2 | 1 | 3-4 | 2 |

Ўзбекистон миллий терма жамоаси тўртинчи тур учрашувини 16 октябрь куни сафарда айнан Қатар футболчиларига қарши ўтказади.

Эрон терма жамоаси эса ўз майдонида кореялик футболчиларни қабул қилади.

**А.НУРУЛЛАЕВ**

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Андижон вилояти, Избоскан тумани ҳокимининг 2011 йил 5 сентябрдаги 804 К-сонли ҳамда 2011 йил 10 сентябрдаги 811 К-сонли қарорларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Даволаш маскани биноси қуриш учун, Избоскан тумани, Ўртоқлар ҚФЙ Қўшкўприк МФЙ, 1-зонаси ҳудудида жойлашган 2 дона, ҳар бири 75,0 кв.м.дан ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 950 сўмдан.

**2.** Чеварчилик устахонаси биноси қуриш учун, Избоскан тумани, Ўртоқлар ҚФЙ Қўшкўприк МФЙ, 1-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 75 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 950 сўм.

**3.** Гўзаллик салони ва келинлар либослари биноси қуриш учун, Избоскан тумани, Ўртоқлар ҚФЙ Қўшкўприк МФЙ, 1-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 75 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 950 сўм.

**4.** Компьютер хизмати ва фотосалон биноси қуриш учун, Избоскан тумани, Ўртоқлар ҚФЙ Қўшкўприк МФЙ, 1-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 75 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 950 сўм.

**5.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун, Избоскан тумани, Избоскан ҚФЙ, Бешмирза МФЙ, 3-зонаси ҳудудида жойлашган 3 дона, ҳар бири 28,0 кв.м.дан ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 8 318 сўмдан.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Избоскан тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби билан танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2013 йил 31 августгача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 16 октябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Избоскан тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 17 октябрь куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 17 октябрь куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 17 октябрдаги танловда сотилмаган тақдирда, такрорий танлов савдоси 2012 йилнинг 5 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 2 ноябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Избоскан тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 5 ноябрь куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 5 ноябрь куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Танлов ташкилотчиси - "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Андижон вилояти филиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Андижон вилояти, Андижон шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси 30-уй, 105-хона, Давлат мулк қўмитаси Андижон вилояти бошқармаси биноси. Тел/факс: (8-374) 214-75-31, электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz **Лицензия № RR 0001.**

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисининг банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: АТБ "Савдогарбанк" Андижон филиалининг Андижон шаҳар, ҳ/р: 20208000104920609005, МФО: 00081, СТИР 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Андижон вилояти, Андижон шаҳар Навоий шох кўчаси 30-уй, 105-хона, Давлат мулк қўмитаси Андижон вилояти бошқармаси биноси. Мурожаат учун телефонлар (8-374) 224-37-86, 224-36-88.

## "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖНИНГ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**I.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Наманган вилояти, Наманган шаҳар ҳокимининг 2011 йил 3 июндаги 320-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Ўқув маркази қуриш учун, Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Мингтерак МФЙ, 1-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 70,0 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати – 100 000 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Наманган шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2014 йил 15 сентябргача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 12 октябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Наманган шаҳар ҳокимлиги биносида 2012 йил 15 октябрь куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 15 октябрь куни соат 16.00 да мазкур шаҳар ҳокимлиги биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 15 октябрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йилнинг 30 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 29 октябрь соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Наманган шаҳар ҳокимлиги биносида 2012 йил 30 октябрь куни соат 11:00 да очилади, 2012 йил 30 октябрь куни соат 16:00 да мазкур шаҳар ҳокимлиги биносида танлов ғолиби аниқланади.

**Танлов ташкилотчиси** – "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Наманган вилояти филиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Наманган вилояти, Наманган шаҳар, Нодира кўчаси 3-уй "Кўчмас мулк савдо хизмати" МЧЖ Наманган вилояти филиали биноси. Тел/факс: (8-369) 226-54-47, электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz **Лицензия № RR 0001.**

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисининг банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: АТИБ "Ипотекабанк" Наманган филиали, ҳ/р: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Наманган вил, Наманган ш, Нодира кўчаси 3-уй, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Наманган вилояти филиали биноси.

**Ташкил этилаётган танлов савдолари бўйича савол ёки эътирозларингиз бўлса, қуйидаги ишонч телефонларига мурожаат этишингизни сўраймиз: (+99871) 228-78-96, 228-80-23. Факс: (+99871) 228-80-26. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz**

**«Ko`chmas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамияти кўчмас мулк бозорида фаолият кўрсатаётган барча юридик ва жисмоний шахсларни ҳамкорликка таклиф этади. Жамиятимизда сизларга барча турдаги кўчмас мулклар, шу жумладан, уй-жойлар ва квартиралар бўйича юқори даражада сифатли риэлторлик хизматлари кўрсатилиши кафолатланади.**

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2012 йил 15 октябрь куни соат 11:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Суд Департаментининг Навоий шаҳар бўлими томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади: 05.09.2012 йилдаги 20/118-сонли ижро варақасига асосан, и/ч йили номаълум "ЗИЛ-131" русумли, д/р 85 S 938 AA, бошланғич баҳоси 12 517 194 сўм; 05.09.2012 йилдаги 20/119-сонли ижро варақасига асосан, и/ч йили номаълум "УАЗ-469 Б" русумли, давлат рақамсиз, ранги яшил, бошланғич баҳоси 3 576 000 сўм.

Мазкур 2012 йил 15 октябрдаги савдода сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 22, 29-октябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин 11:00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси, 23-уйида ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида объект номини, ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, "Universal Auktsion Invest" МЧЖ Навоий вилояти филиалининг Навоий шаҳар «Ипак йўли» банкидаги МФО: 00199, СТИР: 302083379, 2020 8000 4049 3216 8016 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

Ушбу мулклар билан туман (шаҳар) Суд ижрочилари билан жойига бориб танишиш мумкин.

**Қўшимча маълумот олиш манзили: Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси, 23-уй. Тел.: (+99893) 437-65-39**

## "UNIVERSAL AUKTSION INVEST" МЧЖ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2012 йил 16 октябрь куни соат 11:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Мингбулоқ тумани, Жомашуй шаҳарчаси, Э.Ўрмонов кўчаси, 24-уйда жойлашган **Мингбулоқ тумани тиббиёт бирлашмаси**га тегишли 1990 й. и/ч "ВАЗ-2121" русумли, д/р 50 685 GAA бўлган автотранспорт воситаси 630 000 сўм бошланғич баҳода қўйилади ва шу куни соат 14:00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Наманган шаҳри, Нуробод массиви, Машъал кўчаси, 10-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг Соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли махсус тиббий таъминот базаси балансидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1970 й. и/ч "ГАЗ-51" русумли, д/р 16 AD 841, бошланғич баҳоси 200 000 сўм; 1988 йил, и/ч "М-2140" русумли д/р 16 AC 861, бошланғич баҳоси 200 000 сўм.

Мазкур куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2012 йил 23, 30 октябрь куни соат 11:00 да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни мазкур эълон матни чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9-00дан 17-00га қадар Вилоят давлат мулки бошқармаси биносининг 15-хонасида қабул қилинади ва савдо ўтказилишидан бир кун аввал соат 11:00да тўхтатилади. Аукцион савдоси Наманган шаҳар, Банк кўчаси, 9-уй, 1-қават, 15-хонада ўтказилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган «Закалат пули тўғрисидаги келишув»га асосан автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Universal Auktsion Invest" МЧЖ Наманган филиалининг АТИБ «Ипотека банк» Наманган бўлими МФО-00223, СТИР 302083379, 20208000104932168005 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

**Қўшимча маълумот олиш манзили: 160100, Наманган шаҳри, Банк кўчаси, 9-уй, 1-қават, 15 хона. Тел/факс: (8 369) 226-41-66.**

*Гувоҳнома № 004059*

